Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 169 (9665). • 1989 йил 8 сентябрь • жума • Баҳоси 3 тийин.

• Тажрибакорлар ҳақида ҳикоялар

ПАХТАСИДАЙ ПОК, ОҚ КЎНГИЛ ОДАМЛАР

Ҳозир қайси бир хўжаликда бўлманг, ғўзамиз ўтган йилгига қараганда 15—16 кун кечки бўлиб қолди, деган гапларни эшитишга кўникиб қолганмиз. Бунинг учун асос ҳам бор-да. Апрель ойида бўлиб ўтган совуқ катта-катта майдонлардаги эндигина униб чиққан ниҳолларни майиб-мажруҳ қилиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас-ку!

Лекин август ойининг иккинчи ўн кунлиги охирларида Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг Кирмон Багиров бошлиқ бригадасида бўлганимизда бу қолоқликни сира ҳам сезмадик. Ғўза дуркун ва соғлом ривожланмоқда, белга уради. Эгатларга жилдираб сув қуйилмоқда. Бу сувни кекса деҳқонлар Рихсивой ота Валиев, Бўривой Ғаниевлар тарашмоқда. Августда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ишлаш керак бўлади, дейишади улар. Чунки сув ер бетига тез уради. Шунинг учун енгил суғориш зарур.

Улар ўзларининг бу кўп йиллик тажрибаларига қатъий амал қилишаяпти.

Этакдаги картада эса бир гуруҳ колхозчилар дала оралаб юришибди. Билсак, улар экинни бегона ўтлардан тозалашаётган экан. Чирмовуқни илдизини юлиб кетишаяпти. Кейин ўзи қуриб қолади. Бошқа хилдаги бегона ўтлар эса томири билан юлиб олиб четга чиқарилмоқда.

Дала оралаймиз. Ҳар туп ғўзада 25—30 тагача бўлиқ кўсак санаймиз.

— Дефолиацияни 10 сентябрда бошлаймиз,— дейди бригадир. Ана шу давр ичида кўриб турганингиз мана бу ғўза тупининг тепасидаги гуллар ҳам кўсакка айланади.

— Асосий ҳосил машинада териладими?

— Бўлмасам-чи,— дейди бригадир. Звено бошлиғимиз Анвар Усмонов моҳир механизатор. Пахта териш машинасини барвақт шайлаб қўйди. Кам деганда 100 тонна пахта териб бермоқчи. Қолган озроғи қўлда терилади.

Бу бригадани комплекс бригада дейишади. Чунки пахтадан ташқари катта-катта майдонларда маккажўхори, қовун-тарвуз, беда етиштирилмоқда. Бу экинлардан ҳам мўл ҳосил олинмоқда.

Ҳосил чўғини чамалаб, ҳар тупининг тагида 2—3 тадан бўлиқ кўсак тиш ёрганлигини кўриб бригадирдан «сизларда совуқ бўлмаганми», деб сўраймиз.

— Нега энди,— дейди у.— Икки кунда экиб олганмиз. Эндигина униб чиққан ниҳолларга биринчи сув қўйган эдик-да. Ернинг намлиги фойда бериб қолди. Ўтли ерларни чизеллаб қайтадан чигит экканмиз. Мен сизга айтсам, бу ерлар бедадан бўшаган майдонлар. Ўғити, ҳамиртуруши ўзи билан. Алмашлаб экишда, айниқса пахта — беда алмашлаб экишда ҳикмат кўпда. Ер кучли бўлганлиги учун ғўза кечкилиги тез кунда билинмай қолди.

Ҳақиқатан ҳам бу бригадада олиб борилаётган ишларга қойил қолса бўлади.

— Камтарлик қилиб, ўзи ҳақида ҳеч нарса айтмади,— дейди колхоз раиси Маҳмуджон Аҳмаджонов.— Кирмон ака асл деҳқон.

Биз у билан суҳбатлашиб, билиб олдик. Турк ўғлони бу ерга 1944 йилда келиб қолган. Аввал аравакашлик қилди, кейин мироб бўлди. 1974 йилдан буён эса бригадирлик қилмоқда. Ҳар йили, ҳар қандай шароитда ҳам тоширикни уддалайди.

Фарғонадаги нохуш воқеаларнинг акс-садоси бу колхозга ҳам етиб келди. Хўжаликда турк миллатига мансуб оилалар кўп эди. Улар пахтачиликда, чорвачиликда меҳнат қилишади. Ишга ўтган турклар ҳаворатирга тушиб қолишди. Тушунтиришди, ҳеч нарса бўлмайди, сизларга ҳеч ким таҳдид қилаётгани йўқ деб айтишди. Лекин барибир ишонишмади. Уларнинг кўпчилиги кўчиб кетиш ҳаракатига тушиб қолишди.

Лекин Кирмон ака «Дарахт бир ерда кўкаради», биз шу ерда туп қўйиб, палак ёздик. Ҳеч қаёққа кетмайман, иссиқ ўрнимни совутмайман, деб туриб олди. Ўзингга жавр қиласан, кейин пушаймон бўлиб юрасан, деб унг қўрқитишди. Лекин у сўзида қатъий эди.

Тўғри қилди. Кўчиб кетган оилалар барибир яна бирин-кетин қайтиб келишди-ку, ахир. Бу орада қанча асаббузарлик, дилхиралик, оворагарчилик рўй берди. Иш қолиб кетиб моддий зарар кўрилди.

— Мен амаким Кўчали Багировдан бир умр миннатдорман.— дейди у.— У кишининг қўлида таълим-тарбия олиб, вояга етдим. Амаким доим тайинлар эдилар: болам, мана сен пахтакорлик касбини ихтиёр қилиб, жуда тўғри йўл тутдинг. Лекин билиб қўй, пахта тоза, дили пок одамларни ёқтиради. Далада тоза, ҳалол одамлар меҳнат қилсагина ишда унум-барака бўлади. Эсингдан чиқарма. Бир теринг орасида қўй неча семириб, неча озади. Ҳаётда! Ҳамма вақт ҳам ишинг силлиқ кетавермайди. Фавқулодда муаммолар кўндаланг бўлиб қолади. Ана шундай пайтда сира ҳам ўзингни йўқотма. Ақл-идроқ билан иш қил. Бировлардан ўрганган, маслаҳат сўрагину, лекин кўнглинг буюрганидан ҳам қолмагин!

Кирмон ака ҳамиша бу ўгитларга амал қилади. Шунинг учун ҳам Фарғонадаги воқеалар таъсиридан сира саросимага тушмади. Билиб ишини қилди. Даласини тарк этмади. Қийинчиликларни тажриба, маҳорати билан енгиб чиқди.

Унинг даласида бўлган киши ҳозирги кеча-кундузда ҳар бир иш маромида, обитобида бажарилаётганлигини кўриб хурсанд бўлади, дили яйрайди.

Кирмон акадан ўрнак олиб деҳқончилик қилаётганлар кўп. Улар ҳам устозлари изидан бормоқдалар.

Устозлар бор жойда эса ишлар саранжом-саришта. Мақсадга эришиш учун қийинчиликларни енгиб ўтиш осон бўлади. Кирмон Багировнинг ҳаёт йўли бунга ёркин мисолдир.

Н. РИХСИЕВ.

• Деҳқонларимиз катта машаққатлар эвазига етиштирган ҳосилни саранжомлаб олишга киришиладиган вақт келди.

• *Уларнинг унумли ва яхши кайфият билан меҳнат қилишлари учун барча шароитларни яратиб берайлик*

Деҳқонларга амалий ёрдам кўрсатайлик.

• Ҳар бир киши ўзига топширилган иш учун масъулиятни чуқурроқ ҳис қилсин.

Астойдил ҳаракат қиламиз

ПАХТА далаларида парвариш яқунланмоқда. Олди хўжаликларда кўсаклар етилган карталарда ғўза баргини тўктиришга ҳам киришилди. Демак, ҳадемай ҳал қилувчи курашга — ҳосил йиғим-теримига киришилади. Бизнинг бригадамиздаги пахтанинг ҳолати ҳам ёмон эмас. Бу йил 104 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳом ашё йиғиштириб олишга аҳд қилганмиз.

Бригадамизда бир неча йилдирки, асосий ҳосил машиналарда териб олинади. Бу йил ҳам шунга ҳаракат қиламиз. Ғўза машинабоп қилиб ўстирилди. Мен агрегатимни сифатли қилиб тайёрлаб қўйганман. Бошқа техника воситалари ҳам теримга шай турибди. Мўлжалим машинанинг қувватидан тўла фойдаланиб, 200 тонна пахта теришдир.

Албатта, пахтанинг кечикаётганлигини, шароитнинг бирмунча мураккаблигини кўриб, машинадан унумли фойдаланиш қийин бўлади, деган гапларни ҳам эшитаяпмиз. Йўқ, бизнинг мақсадимиз ғўза баргини энг қулай муддатларда, сифатли тўктириб, асосий ҳосилни машиналар ёрдамида йиғиштириб олишдан иборат. Бунинг учун астойдил ҳаракат қиламиз, ўз имкониятларимизни тўлиқ ишга соламиз.

Коллективимиз аъзолари қўл теримига ҳам уюшқоқлик билан киришмоқдалар. Кўпмингкилограммчиларга оширилган миқдорда ҳақ тўлашга қарор қилдик.

А. МУМБЕКОВ,
Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози механизатори.

ЎН БЕШ ТИЙИНДАН ТЎЛАНАДИ

ЎРТА Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозда бу йил 928 гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Деҳқонлар ҳосилдорликни 28 центнердан оширишни режалашган. Далада шунга яраша ҳосил тўпланди. Айни кунларда колхозда асосий масала йиғим-теримга тайёргарлик кўришга қаратилмоқда. Ғўза баргини тўктиришда ишлатиладиган 6 та ОВХ, 16 та пахта териш машинаси ва бошқа техника турлари аллақачон шай ҳолга келтирилган.

— Хўжалигимизда йиғим-теримни пухта ўтказиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди,— дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Пардабой Мирзаалиев.— Бу йил ҳам ўтган йилгидек терим даврида механизаторлар ва теримчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга, улар ўртасида ташкил этилаётган мусобақанинг жонли бўлишига эътиборни кучайтирдик. Масалан, механизаторларга биринчи теримда 6 сўмдан 8 сўмгача ҳақ тўлашга келишилди. Агар механик-ҳайдовчи сифатли ишласа терган ҳар тоннасига 8 сўм, хом ашёни нормадан кўп тўкиб юборган механизаторга эса 6 сўм берилади. Иккинчи теримда буни 10 сўмга кўтарамиз.

Бу йилги шароит, вазият ҳаммага маълум. Пахта бирмунча кеч етилмоқда. Ўз-ўзидан бу қўл теримини, кучайтиришни, мавжуд ишчи кучларидан омилкорлик билан фойдаланишни талаб қилади. Колхозда буни ҳамма ҳисобга олмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ теримга 400 киши жалб этиладиган бўлди. Уларга ҳар килограмм терган пахтаси учун 15 тийиндан тўланади. Бу дастлабки нарх. Иккинчи—учинчи теримда қўл терими иштирокчиларининг моддий манфаатдорлиги янада оширилади.

М. ФАТТОҲОВ.

ХУШХАБАРЛАР

Валютага—чиқит

✦ ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати ўз чиқиндиларидан самарали фойдаланиш йўлини излаб топди. Ана шу чиқиндиларни ҳатто валютага ҳам сотяпти. Франциянинг «Поликотон» фирмасига тикув ипларн тайёрланганидан сўнг қоладиган тарандиларидан 500 тоннаси сотилди. Фирма ана шундай хом ашёнинг бир тоннасига 750 доллар пул тўлайди. Французларга 70 тонна йигирув чиқиндиларн ҳам жўнатилди. Бу чиқиндиларнинг бир тоннасига 1650 доллар ҳақ олинади. Комбинат ана шу ишлаб топилган маблағга янги пардозлаш фабрикаси учун ускуналар сотиб олади.

Польша учун вакуум—насослар

✦ «КОМПРЕССОР» заводи Польшадаги йўл техникаси ишлаб чиқарадиган «Польмот» фирмасининг 18 тоннали цемент ташувчи машиналарн учун ВР—8 деб аталган вакуум-насослар тайёрлади. Мазкур компрессорларнинг чет элларидаги шунга ўхшаган компрессорлардан афзаллиги шундаки, улар цементни ҳам ортиш, ҳам тушириш мумкин.

Бракка чек қўйилди

✦ ЭЛЕКТРОНИКА заводида давлат қабули туфайли тушаётган шикоятлар сони юз баравардан кўпроқ камайтирилди. Бу ерда уч йил илгари 200 минг сўмга яқин жарима тўлашган эди. Давлат қабули ходимларн талаб этганларидек, барча ҳужжатлар давлат стандарти асосида қайта кўриб чиқилди, комплектловчи буюмлар ва хом ашёни сақлаш муаммоси бартараф этилди, маҳсулотни синаш йўлга қўйилди — амалда брак маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига чек қўйилди.

(ЎзТАГ).



ЁШЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

✦ ОБЛАСТЬ комсомол комитети область агросаноат комитети билан ҳамкорликда ёш чорвадорларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор бераяпти. Шу мақсадда Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтида ёш чорвадорлар учун махсус курс ташкил этилди. Ҳозир бу ерда областимизнинг бир группа ёшлари чорвачилик, соғувчилик касби бўйича малака оширмоқдалар. Айниқса, уларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, соғувчилик касби устаси Анастасия Ивановна Чудная билан бўлган учрашувлари катта таассурот қолдирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ерда ёш чорвадорларнинг яхши билим олишлари ва дам олишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Суратларда: Анастасия Чудная ёш чорвадорлар орасида ва у соғиш қурилмасидан қандай фойдаланиш ҳақида маслаҳат бермоқда.

А. ҲОЖИХОНОВ суратлари.

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Матбуотда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлари депутатлари сайлови ҳақидаги қонунларнинг лойиҳалари эълон қилинди. Халқ муҳокамасига қўйилган бу лойиҳалар республика меҳнаткашларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Матбуот саҳифаларида, радио ва телевидение орқали, меҳнат коллективларида ҳамда жамоат ташкилотларида қонун лойиҳалари тўғрисида бир ойдан кўпроқ вақт давомида манфаатдорлик билан сўз юритилади.

Ҳозир сиёсий системамизни ислоҳ қилиш кун тартибига қўйилмоқда. Бу ислоҳотнинг асосий ғоялари XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида илгари сурилди. Мамлакат давлат ҳокимиятининг юқори бўғинида структуравий ва бошқа чуқур ўзгаришлар юз берди. СССР халқ депутатлари сайлови, халқ депутатларининг биринчи съезди бўлиб ўтди. Съезд СССР Олий Советини ва унинг палаталарининг раисларини сайлади. Олий Совет сессиясида мамлакат ҳукумати тузилди. Комитетлар ва доимий комиссиялар ташкил этилди, мамлакатимиз давлат ҳаётининг турли масалалари юзасидан қонунлар, бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Амалдаги Ўзбекистон ССР Конституциясининг бир қанча қоидаларини ўзгартирмасдан, шунингдек Советларга сайлов соҳасида ҳозир амалда бўлган практикани қайтадан ташкил этмасдан туриб, республикамизда сиёсий системани қайта қуриш ишларини бошлаб бўлмайди.

Шу сабабли халқ муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳалари амалдаги Конституциянинг ҳамма қоидаларини эмас, балки биринчи навбатда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятига тааллуқли қоидаларинигина ўзгартиришга, шунингдек суд органларини ислоҳ қилишга қаратилгандир. Айни вақтда Конституциянинг иқтисодий системани, гражданларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари, миллатлараро муносабатлар ва бошқаларни тартибга солаётган бошқа қоидалари ўзгартирилмаётир. Бу масалаларни ҳал қилиш йўлларини қайта қуриш амалиётининг ўзи кўрсатиб беради. Маълумки, қайта қуриш узоқ давом этадиган жараёндир. Конституция ва унинг асосидаги қонунларни такомиллаштириш бир кунда қилинадиган иш эмас. Бу мураккаб, объектив жараён бўлиб, у пировардида республикамизда ва бутун мамлакатда вужудга келган ижтимоий муносабатларни акс эттирмоғи керак.

Ҳозир Ўзбекистон ССР Конституциясига киритиш мўлжалланаётган мутлақо янги қоидалар нималардан иборат? Сиёсий системани ислоҳ қилишнинг марказида халқ депутатлари Советларининг ишини қайта қуриш масаласи туради. Бунда гап Советларни тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш тартибини ўзгартириш ҳақида бормоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг вазифалари янгича белгиланмоқда. У 500 депутатдан иборат бўлади. Ўзбекистон ССР Олий Совети давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, бошқарувчи ва назорат қилувчи органи бўлмоғи керак.

Олий Совет бизнинг вакиллик системамизда республика давлат ҳокимиятининг олий органидир. У Ўзбекистон ССР ихтиёрига бериб қўйилган ҳар қандай масалани қараб чиқиш учун қабул қилиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эгадир. Энг муҳим конституцион масалаларни ҳал қилиш, давлат истиқбол планларини ҳамда республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг энг муҳим программаларини тасдиқлашни ёлғиз Олий Советнинг ихтиёрига бериш кўзда тутилади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Олий Совет Раисини ва Раиснинг биринчи ўринбосарини, Конституцион назорат комитетини сайлайди.

Халқ депутатлари статуси маълум мансаб мавқеи билан сиғишмаслиги тўғрисидаги янги қоида муҳимдир. Бунда гап Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари составига кирадиган шахслар (бу органларнинг раисларидан ташқари), ижроия комитетлари идоралари, бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарлари, раҳбар ўринбосарлари, судьялар ва давлат арбитрлари айни бир вақтда ўзларини тайинлайдиган ёки сайлайдиган Советда депутат бўла олмасликлари ҳақида боради. Бундай принципни жорий этиш давлат органлари, ижроия ва суд мансабдорлари ўртасида вазифаларни ҳамда масъулиятни қаттиқ ва изчил суратда тақсимлаш учун зарур шарт бўлиб, бу нарса социалистик ҳуқуқий давлатни қарор топтиришнинг тамал тошидир. Граждан бир вақтнинг ўзида иккитадан ортиқ халқ депутатлари Советларига депутат бўла олмаслиги ҳақида кўзда тутилган қонда ҳам мутлақо муҳимдир.

Вакиллик органлари системасининг бирлигини яхшироқ таъминлаш мақсадида уларнинг ҳаммаси учун ваколат муддати бир хил, яъни беш йил қилиб белгиланади. Халқ депутатлари Советлари сайлайдиган ёки тайинлайдиган мансабдор шахсларнинг ўз лавозимларини эгаллаб туриш имкониятини кетма-кет икки муддатдан иборат қилиб чегаралаб қўйиш таклиф қилинганлиги ҳокимиятни суистеъмол қилиш ва уни бир шахс қўлида ортиқча тўплашга имкон бермасликнинг ҳуқуқий гарантияларини белгилашга қаратилган муҳим шартдир.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қонун чиқариш соҳасидаги ишини кучайтириш жуда муҳим янги қадам бўлди. Шу тариқа ижтимоий муносабатларни аксарият ҳолларда Олий Совет Президиумининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари билан, идораларнинг инструкциялари билан тартибга солишга, ҳокимият олий вакиллик органининг ҳужжатлари бўлган қонунлар эса бутун қонун чиқариш фаолиятида жуда чекланган ўринни эгаллашига барҳам берилади.

Ҳуқуқий давлатни барпо этиш билан боғлиқ бўлган асосий вазифа — жамиятда демократия билан тартибни, гражданларнинг ҳуқуқлари билан бурчларини уйғун қўшишни таъминлайдиган қонунларнинг ҳукмронлигини қарор топтиришдан иборатдир. Бу эса бевосита республика қонунлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доирасини кенгайтиришни тақозо этади. Кўпгина қонунлар тайёрланади, бунда қонунлар, демократик жамиятда талаб қилинганидек, турли концепцияларни, позицияларни ва фикрларни таққослаш йўли билан, ошкора, очиқчасига, кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилгандан сўнг ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида қонун чиқариш ишининг ҳудди ана шундай принциплари тўғридан-тўғри гарантиялаб қўйилади. Унда республика Олий Советининг қонун чиқариш соҳасидаги кенг ваколатлари белгиланади, у Ўзбекистон ССРнинг бутун территориясида қонун чиқариш йўли билан тартибга солишнинг бирлигини таъминлаши, қонун чиқаришнинг негизларини белгилаши ёзиб қўйилади. Олий Совет мулкчилик муносабатларини, халқ хўжалигини ва социал-маданий қурилишни бошқаришни, бюджет-молия системасини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва нарх белгилашни, солиқ солиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни, ташкил этишни, гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини амалга оширишни, Ўзбекистон ССР ихтиёрига бериб қўйилган бошқа муносабатларни қонун йўли билан тартибга солади.

Олий Совет фақат қонун чиқарувчи орган эмас, балки давлат ҳокимиятининг бошқарувчи ва назорат қилувчи органи ҳамдир. Олий Советнинг бошқариш соҳасидаги вазифалари, аввало унинг иқтисодий ва социал тараққиётини планлаштириш муаммолари юзасидан қарорлар қабул қилишида, ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятини йўлга солиб туришида, энг муҳим кадрлар масаласини ҳал этишда эса — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисини, Ўзбекистон ССРнинг Бош давлат арбитрини ва бир қатор бошқа мансабдор шахсларни тайинлашида намоён бўлади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг назорат қилиш соҳасидаги ваколатлари ҳам аниқроқ белгиланади. Унга ўзи ташкил этадиган ёки сайлайдиган органларнинг, шунингдек ўзи тайинлайдиган мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарор ва фармойишлари қонунга мос келмаган ҳолларда уларни бекор қилиш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси Ўзбекистон ССР Олий Советининг ишини ташкил этишда муҳим ўзгаришларни амалга оширишни мўлжаллайди. У бир йилда камида уч марта ўзининг навбатдаги сессияларига тўпланишни кўзда тутилмоқда. Олий Совет сессияси Олий Совет мажлисларидан, шунингдек улар ўртасидаги даврда ўтказиладиган Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий ва бошқа комиссияларининг мажлисларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети фаолиятининг бундай тартиби турган гапки, номигагина қўйилган мақсад эмас, балки объектив эҳтиёждир. Олий Советнинг янги статуси, унинг ваколатлари анча кенгайтирилиши, унда кундалик қонун чиқариш, бошқариш ва назорат қилиш ишининг қўшиб юборилиши — ана шуларнинг барчаси ўзгаришларни зарур қилиб қўяди. Шуни айтиш керакки, Олий Совет аслини олганда узлуксиз ишлайдиган органга айланади. Депутатлар муҳим давлат ишларини фақат Олий Советнинг ялпи мажлисларидагина эмас, балки доимий комиссияларида ҳам ўрганадилар ва муҳокама қиладилар.

Олий Советга ҳисоб берадиган, Олий Советнинг ҳам, унинг комиссияларининг ҳам самарали ишлашини таъминлаши керак бўлган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика давлат ҳокимияти олий органининг уюштирувчи маркази бўлмоғи керак. Бу — ҳозир ишлаётган президиумга қараганда янги орган бўлиб, қонун чиқариш соҳасидаги барча вазифалар ҳамда кадрлар масаласини ҳал қилиш олдинги Президиумдан Олий Совет ихтиёрига ўтади. Янги Президиум Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияларини чақиради, мажлисларни тайёрлашни ташкил этади, доимий комиссиялар фаолиятини уйғунлаштиради. Олий Совет депутатларига ўз ваколатларини бажаришларида ёрдам беради, шунингдек баъзи бошқа масалаларни ҳал қилади. Чунончи, Олий Совет Президиуми

(Давоми 2-бетда)

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ССР Иттифоқини ҳимоя қилиш ва унинг гражданлари хавфсизлиги манфаатларини ўйлаб, СССР Олий Совети Президиуми томонидан республика территориясида ҳарбий ёки фавқулодда ҳолат эълон қилиш масалаларининг қараб чиқилишида иштирок этади. Унга баъзи «президентлик» ваколатларини (гражданлик, мукофотлаш, авф этиш, дипломатия вакилларини тайинлаш, чақириб олиш ва ҳоказолар) бажариш ҳам юклатилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми сайлаб қўйиладиган орган эмас, балки тузиладиган орган бўлиши назарда тутилмоқда. Унинг составига лавозими бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Раисининг биринчи ўринбосари, Раис ўринбосари — Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси, республика Халқ контроли комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг раислари киради. Президиум Секретари лавозими назарда тутилмаётир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси бошчилик қилади. У Олий Совет ва Олий Совет Президиумининг ишига умумий раҳбарлик қилади, Ўзбекистон ССР қонунларини ва бошқа ҳужжатларини имзолайди, бир қанча муҳим масалаларни ҳал этади. Раис Олий Советга республикадаги ишларнинг аҳволи тўғрисида ва бошқа муҳим масалалар ҳақида ахборот беради, тайинлаш ёки сайлаш учун Олий Советга номзодлар тақдим этади, музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномаларини имзолайди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларида ҳам президиумлар тузилади. Чунончи, халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳардаги район Советларининг ишини Советларнинг раислари бошчилик қиладиган президиумлар, посёлка ва қишлоқ Советларида эса ана шу Советларнинг раислари ташкил этади. Маҳаллий Советларнинг президиумлари ва раислари Советлар, депутатлар ишини ташкил этиш билан шуғулланадилар, улар Советларнинг ижроия комитетлари ўрнини асло босмайдилар.

Доимий комиссияларнинг роли анча ошади, уларнинг ташкил этилишига ва фаолиятига кўпгина янгиликлар киритилмоқда. Қонун лойиҳалари тайёрлаш соҳасида ҳам, шунингдек халқ хўжалиги, миллатлараро, кадрлар ва бошқа вазифаларни ҳал этишда ҳам доимий комиссияларнинг ваколатларини кенгайтириш мўлжалланган. Масалан, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика Халқ контроли комитети, Олий суд составига мансабдор шахслар Ўзбекистон ССР Олий Советининг тегишли доимий комиссиялари хулоса берган тақдирдагина сайланади ва тайинланади.

Олий Совет томонидан ўн йил муддатга сайланадиган Конституцион назорат комитети республика олий ҳокимият органлари жумласига кирадиган мутлақо янги органдир. Унинг асосий вазифаси барча давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятида Ўзбекистон ССР Конституцияси қоидаларининг изчиллик билан амалга оширилишини таъминлашдан иборат. Бу вазифа комитетнинг составини ҳам (унга сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар киради), шунингдек унинг, масалан, СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки СССР ва республика қонунларига зид тарзда ҳуқуқий ҳужжат чиқарган органга ўз хулосаларини юбориш соҳасидаги ваколатларини белгилаб беради. Бундай хулоса юборилиши ҳужжатнинг ижросини тўхтатиб қўяди.

Баъзи ўзгаришлар Ўзбекистон ССРнинг олий ижроия ва бошқарув органи бўлган Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ҳам тааллуқлидир. Лойиҳада Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети олдида жавоб беради ва унга ҳисоб беради, деб ёзиб қўйилган.

Республика ҳаётида қонуннинг ҳукмронлигини қарор топтириш одил судлов органларининг фаолиятини такомиллаштиришни зарур қилиб қўймоқда. Улар граждан ва жамиятнинг манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашлари керак. Одил судлов катта демократик қудратга эга бўлиб, бу қудратни рўёбга чиқариш — суд ислоҳотининг вазифасидир. Муҳими, суднинг обрўсини ва мустақиллигини анча оширишдан, суд органларини ташкил этиш механизмини ўзгартиришдан, судьяларнинг мустақил ва даҳлсиз бўлиши кафолатларини кенгайтиришдан иборат. Судларнинг барча поғоналари ўн йил муддатга сайланади. Шу тарика суд органларининг кўпроқ барқарор бўлиши таъминланади. Шубҳасиз, судларнинг обрўсини оширишнинг СССРда судьяларнинг мақоми тўғрисидаги қонун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳозир бу қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови ҳақидаги қонунларнинг лойиҳалари жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Бу қонун лойиҳаларида сайловни тайёрлаш ва ўтказишнинг демократик асосларини мустаҳкамлашга оид бир қанча янги қоидалар ёзиб қўйилган. Мўлжалланаётган чора-тадбирлар депутатликка номзодлар танлашда ўз умрини яшаб бўлган буйруқбозлик усулларини ўзгартиришга, сайловчиларга давлат ҳокимияти органларида ким ўзларининг вакиллари бўлишини онгли суратда ва масъулият билан аниқлаш имконини берадиган номзодлар беллашувини кучайтиришга қаратилган.

Сайловни ташкил этишнинг номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш, овоз беришни ўтказиш ва овоз бериш натижаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий масалаларни ҳал қилишнинг очиқ-ойдин, ошкора тартибларини кўзда тутувчи усуллари ва механизмига ўтишнинг ҳуқуқий кафолотлари белгилаб қўйилади. Бу кафолотлар депутатнинг жамият манфаатларини, ўзини сайлаган одамларнинг манфаатларини ифода этиш қобилиятини кўпроқ даражада ҳисобга олишига, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қаноатлантирилишига қатъият билан ҳаракат қилишига, депутатнинг давлатни бошқариш соҳасидаги вазифаларини юқори савияда бажаришига ёрдам беради.

Сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳаларида 1989 йил баҳоридаги сайлов кампаниясининг тажрибаси ва сабоқлари ҳисобга олинган, сайлов системасини такомиллаштириш юзасидан СССР халқ депутатлари съездидаги нутқларда, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эълон қилган материалларда билдирилган таклифлар акс эттирилган. Маълумки, уларнинг кўпчилигида СССР Конституциясининг ва СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонуннинг айрим қоидалари асосли танқид қилинган эди. Ана шунга асосланиб, қонун лойиҳаларида иттифоқ қонунининг қоидалари сўзма-сўз такрорланмайди, балки ижодий қайта фикрлаш асосида таклиф қилинади, уларда сайлов жараёнини янада демократиялаш сари яна бир янги қадам қўйилади.

СССР қонунининг халқ депутатларининг учдан бир қисмини жамоат ташкилотларидан сайлаш тўғрисидаги қоидаси сайлов жараёнида ҳам, халқ депутатлари съездида ҳам каттагина мунозарага сабаб бўлганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Советларининг ҳамма бўғинларига, шу жумладан республика давлат ҳокимиятининг олий органига ҳам сайловни фақат сайлов округлари бўйича ўтказиш таклиф қилинади.

Бундай қарорга келишишга сабаб шуки, у сайловнинг кўп поғонали бўлишидан, гражданларнинг айрим группалари овоз беришда қайта-қайта иштирок этиш имконига эга бўладиган тартибдан воз кечиш имконини беради. У совет сайлов системасининг бир киши бир овозга эга бўлишидан иборат асосий принципини қарор топтиришга ёрдам беради.

Сўнгра, сайловни сайлов округлари бўйича ўтказиш сайловолди курашида қатнашаётган барча номзодларга теппа-тенг шароитлар яратиб беради, сайлов демократияси нуқтаи назаридан йўл қўйиб бўлмайдиган вазиятларни, яъни баъзи ҳолларда депутат бўлиб сайланиш учун 10 минглаб овоз олиш, бошқа ҳолларда эса бир неча юз ва ҳатто бир неча ўн сайловчи овозини олиш кифоя қиладиган вазиятни истисно этиш имконини беради.

Давлат ҳокимияти олий органи депутатларини бевосита ижтимоий ташкилотлардан сайлашдан воз кечишни кўпгина ана шундай ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми ҳали белгиланмаганлиги, шу муносабат билан улар анча шартли суратда республика жамоат ташкилотлари жумласига киритилиши мумкинлиги тақозо этмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳасининг муҳим янгилиги шуки, унда республика Олий Совети депутатлари учун ёш цензи камида 21 йил қилиб белгиланган. Бу чора ёш авлод вакилларини давлат ишларидан бирон-бир йўл билан четлатишга қаратилган, деб ўйлаш хато бўлур эди. Бу заруратни олий органда жамоатчилик иши соҳасида маълум сабоқ олган, амалий тажриба тўплаган кишилар ишлаши керак, деган фикр келтириб чиқарди. Маҳаллий Советларга эса республиканинг 18 ёшга етган ҳар қандай граждани депутат қилиб сайланиши мумкин.

Депутатликка номзодларни кўрсатиш тартибини ҳам янгича ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Камида 200 киши ишлайдиган ҳар бир меҳнат коллективи Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига, 100 нафардан камроқ одам ишлайдиган коллектив эса халқ депутатлари область ёки Тошкент шаҳар Советларига ўз номзодларини кўрсатиши мумкин. Бир округ территориясида жойлашган кам сонли меҳнат коллективлари қўшилган ҳолда депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи биринчи марта назарда тутилган. Бундай йиғилишларни халқ депутатлари Советлари ёки уларнинг президиумлари округ сайлов комиссияси билан биргаликда чақиради. Башарти Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда камида 300 сайловчи, маҳаллий Советларга номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишларда эса тегишли халқ депутатлари Советлари ёки уларнинг президиумлари территориал сайлов комиссияси билан биргаликда белгиланган ва тегишли округ территориясида яшайдиган сайловчилар сонидан кам бўлмаган сайловчи қатнашса, бундай йиғилишлар тўла ҳуқуққа эга деб ҳисобланади.

Йиғилишларда ҳар қанча номзод кўрсатиш учун барча шароитлар яратилади. Бундан ташқари бир ўринга бир неча номзод кўрсатиш тартиби ҳамма жойда устунлик қилади. Йиғилишнинг ҳар бир иштирокчиси депутатликка номзодлар тўғрисида таклифлар киритиш, номзодларни муҳокама қилишда қатнашиш, таклиф қилинаётган номзодларни қўллаб-қувватлаш ёки уларни кўрсатмаслик ҳақида таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир. У депутатликка номзод сифатида муҳокама қилиш учун ўз номзодини ҳам кўрсатиши мумкин. Бу ҳам бизнинг сайлов тажрибамиздаги янгиликдир. Лойиҳаларда муҳокама қилинаётган номзодлар қанча бўлишидан қатъи назар, йиғилишда депутатликка фақат ҳам депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи биринчи марта назарда тутилган. Бундай йиғилишларни халқ депутатлари Советлари ёки уларнинг президиумлари округ сайлов комиссияси билан биргаликда чақиради. Башарти Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда камида 300 сайловчи, маҳаллий Советларга номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишларда эса тегишли халқ депутатлари Советлари ёки уларнинг президиумлари территориал сайлов комиссияси билан биргаликда белгиланган ва тегишли округ территориясида яшайдиган сайловчилар сонидан кам бўлмаган сайловчи қатнашса, бундай йиғилишлар тўла ҳуқуққа эга деб ҳисобланади.

Йиғилишларда ҳар қанча номзод кўрсатиш учун барча шароитлар яратилади. Бундан ташқари бир ўринга бир неча номзод кўрсатиш тартиби ҳамма жойда устунлик қилади. Йиғилишнинг ҳар бир иштирокчиси депутатликка номзодлар тўғрисида таклифлар киритиш, номзодларни муҳокама қилишда қатнашиш, таклиф қилинаётган номзодларни қўллаб-қувватлаш ёки уларни кўрсатмаслик ҳақида таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир. У депутатликка номзод сифатида муҳокама қилиш учун ўз номзодини ҳам кўрсатиши мумкин. Бу ҳам бизнинг сайлов тажрибамиздаги янгиликдир. Лойиҳаларда муҳокама қилинаётган номзодлар қанча бўлишидан қатъи назар, йиғилишда депутатликка фақат бир номзод кўрсатиши мумкинлиги назарда тутилади.

Сайлов кампаниясидан кўзда тутилган мақсад ҳокимият нолойиқ кишилар қўлига ўтиб қолиши имкониятини мумкин қадар камайтиришдан, агар иложи бўлса, бундай имкониятни йўққа чиқаришдан иборатдир. Албатта, бу ишни амалга ошириш осон бўлмайди, лекин уни бажариш керак. Бунинг кафолотларидан бири — кўплар орасидан энг яхши номзодни танлаб олиш мумкинлигидир. Бундай имконият қонунларнинг лойиҳаларида мавжуд. Энг муносиб номзодлар рўйхатга олиниши ва сайлов бюллетенларига киритилишини таъминлаш учун уларни сайлов округи вакилларининг конференцияларида олдиндан муҳокама қилиш мўлжалланмоқда. Округ бўйича кўрсатилган барча номзодларнинг конференцияда муҳокама қилиниши назарда тутилади. Конференция барча номзодларнинг сўзини тинглайди, уларни муҳокама қилади ва кимни рўйхатга олиш учун тақдим қилишни овоз бериш йўли билан ҳал этади. Лойиҳаларда гражданлар йиғилишларининг вакилларини ана шу конференцияларга делегат қилиб юборишнинг анча демократик тартиби кўзда тутилган.

Маҳаллий Советларга 1987 йил июнда ўтказилган охирги сайловда республиканинг ўн уч районида тажриба тариқасида депутатлар кўп мандатли округлар бўйича сайланган эди.

Кўп мандатли сайлов системаси олдига қўйилган асосий вазифалардан бири сайловда танлаб олиш имкониятини таъминлашдан иборат эди. Ҳозир эса, жамиятнинг сиёсий фаоллиги ўсган бир шароитда СССР халқ депутатлари сайлови тажрибасига асосланиб, кўп мандатли системани қўллашнинг маълум маънода аҳамияти қолмади. Шу сабабли лойиҳада маҳаллий Советларга сайловни фақат бир мандатли округлар бўйича ўтказиш назарда тутилади. Билимдонроқ ва ғайратлироқ депутатлар корпусини вужудга келтириш, халқ депутатлари обрўсини ошириш мақсадида республиканинг барча маҳаллий Советларига сайланадиган депутатлар сонини бирмунча камайтириш ҳам назарда тутилмоқда.

Сайлов натижаларини аниқлаш чоғида овозлар, илгари бўлганидек, округдаги рўйхатга киритилган сайловчиларнинг умумий сонига қараб эмас, балки овоз беришда қатнашганларнинг сони бўйича санаб чиқилиши принципиал аҳамиятга эга. Бутун дунёда шундай қилинади. Бундай тартиб, афсуски, эски сайлов системасида мавжуд бўлган хўжакўрсин ва расмиятчилик сингари иллатлардан ҳали бўлишимизга имкон беради.

Бизнинг сайлов тўғрисидаги қонунларимизда биринчи марта ишончли вакиллар тартиби бўлиши назарда тутилмоқда. Олий Совет депутатлигига номзоднинг бештагача, маҳаллий Советлар халқ вакиллигига номзоднинг эса учтагача ишончли вакили бўлиши мумкин. Депутатликка номзод ишончли вакилларини ўзи белгилайди. Улар депутатликка номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, уни ёқлаб ташвиқот олиб борадилар, давлат ва жамоат органлари, сайловчилар, комиссиялар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифода этадилар.

Олий ва маҳаллий Советларга депутатлар сайловини ўтказиш учун сайлов комиссиялари тузилади. Уларнинг ваколатлари кенгайтирилмоқда. Бу комиссиялар орасида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси етакчи ўринда туради. Марказий сайлов комиссияси республика Олий Совети томонидан тузилади. Комиссия составига вакилларни меҳнат коллективларининг йиғилишлари (конференциялари), жамоат ташкилотларининг республика, область, шаҳар ва район органлари, ўқитувчилар ва студентлар, ўқувчилар йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги йиғилишлари ва ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари кўрсатадилар. Бунда комиссиялар доимо ишлаши назарда тутилади — уларнинг ваколат муддати беш йил.

Депутатликка номзодлар фаолиятининг кафолати — қонун лойиҳаларида назарда тутилган муҳим масаладир. Хусусан, депутатликка номзодлар рўйхатга олинган вақтдан бошлаб улар сайловолди ва бошқа йиғилишларда, кенгашлар, маслисларда, матбуотда, телевидение ва радио орқали чиқиш учун тенг ҳуқуқларга эга бўлиши назарда тутилмоқда. Депутатликка номзод ўз бўлажак фаолиятининг программаси билан чиқиши мумкин. Табиийки, депутатликка номзоднинг программаси СССР ва Ўзбекистон ССР Конституциясига, қонунларга асло зид бўлмаслиги керак. Совет давлатига қарши ёки, айтайлик, миллатчилик позицияларида туришга уринадиган номзодлар ҳам зарбага учраши табиийдир. Қонун лойиҳаларининг сайлов тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик ҳақидаги қоидага депутатликка номзодларнинг обрўси ва қадр-қимматини ерга урадиган ёлғон маълумотларни матбуотда эълон қилган ёки бошқача йўл билан тарқатган, сайлов комиссияларининг аъзоларига нисбатан ҳақоратли муносабатга йўл қўйган шахслар жавобгарликка тортилиши ҳақида муҳим қўшимча киритилган.

Агар халқ муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда сайлов тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари биринчи навбатда сиёсий нуқтаи назардан баҳоланиши керак. Шу муносабат билан айтиш керакки, қонун лойиҳалари социалистик халқчиллик қоидаларини ўзлаштириш соҳасидаги анча мураккаб, қийин ишни тақозо этади. Бу иш номзодларнинг мусобақалашуви, сайловолди тарғиботини янгича ташкил этиш, сайловчиларнинг фаол иштирок этиши билан, давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларини тузишнинг янги шакллари ҳамда улар фаолиятининг мазмуни билан боғлангандир.

Халқ муҳокамаси жараёнида тушадиган барча таклиф ва мулоҳазалар Ўзбекистон ССР Олий Советининг қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси томонидан қараб чиқилади. Комиссия тегишли хулосаларни тайёрлайди. Муҳокама материаллари, қонун лойиҳалари юзасидан таклиф ва мулоҳазалар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига 1989 йил 10 октябрга қадар тақдим этилиши мумкин.

Шундан сўнг Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси доимий комиссиянинг, депутатларнинг хулосаларини ҳар томонлама қараб чиқади ҳамда киритилган тузатишларни ҳисобга олиб, овоз бериш йўли билан тегишли қонунларни қабул қилади.

Шу тарика Ўзбекистон меҳнаткашлари республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги яна бир муҳим воқеани нишонлайдилар — халқ депутатлари Советларига сайлов ўтказадилар. Сайловни келгуси йилнинг февраль ойида барча Советларга — Олий Советдан тортиб қишлоқ ва посёлка Советларигача бир пайтда ўтказиш назарда тутилмоқда. Советларнинг фаоллиги ижчиллик билан ошиб боради. Меҳнаткашларнинг демократик фаоллик шакллари кўпаяди. Янги тажриба, давлат қурилишидаги янги жиҳатлар, табиийки, Конституциями, республиканинг бошқа қонунларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган янги муаммоларни ҳам ўртага қўяди. Республика Конституцияси ва бошқа қонунлари қайта қуришга, жамиятимизни янгилаш жараёнларига хизмат қилади.

О. Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми секретариатининг бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

• Тошкентда очиладиган Кимёгарларнинг Бутуниттифоқ XIV Менделеев съезди олдидан

„ИЛМ СОЧГАН УРУҒДАН ХАЛҚ УЧУН ҲОСИЛ“

11 сентябрда Тошкентда XIV Менделеев съезди ўз ишини бошлайди. Унда мамлакатимизнинг энг атоқли 1500 кимёгар олими иштирок этиши мўлжалланмоқда.

Мухбиримиз ушбу анжуман ташкилий комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг мухбир-аъзоси М. АСҚАРОВ билан учрашиб, Менделеев съездининг аҳамияти ҳақида суҳбатлашди.

— Мирҳожи Асқарович, анжуман учун республикамиз пойтахтининг танланганлиги тасодифийми?

— Асло, Ўзбекистон кимёгарларининг муваффақиятлари мамлакатимиздагина эмас ҳорижда ҳам маълум, машҳур. Шуни айтиш керакки, биз бундай мўътабар анжуманни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиш учун чорак асрдан бери даъвогарлик қилиб келган эдик. Мана, ниҳоят бу орзуимиз ушалди. Жаҳоннинг энг машҳур кимёгарларини юртимизда нонтуз билан кутиб оляпмиз.

— Республикамиз кимёгарларининг ютуқлари ҳақида гап очишдан аввал ўтмишга бир назар ташлаш фойдадан ҳали бўлмас. Ахир Ўзбекистон Ибн Сино ва Форобий, Беруний ва Абу Бакирларнинг Ватани...

— Тўғри, ҳозир бутун дунёда композицион материалларни қўллашга интилинмоқда. У кимё фанининг энг сўнгги ютуқларидан ҳисобланади. Ҳоҳбуки, Бухоро ва Хива, Самарқанд ва Шаҳрисабзгача кўрк бағишлаб турган тарихий обидалар нақши ана шу композицион, аждодларимиз тили билан айтганда армирланган материалларнинг ўзгинасидир. Буюк аллома кимёгарларимизнинг заковатига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Улар ўрта аср шароитларида маҳаллий хом ашё —лойдан фойдаланиб, уни органик ва ноорганик қўшимчалар билан тўлдириб, жун, пахта, сомон қўшиб, ўтда пишириб армирланган ганч, рангли керамика плиталари яратганлар. Улар офтоб нурига, қиш ёки ёз фаслига қараб турлича жилоланиб туради. Кимёгарларимиз яратган бу материаллар туфайлигина биз бугунги кунда ўша давр маданияти билан завқланиш имкониятига эгамиз.

Ёки улуғ олимимиз Абу Али ибн Синонинг ҳозир ҳам тиббиётда ишлатиб келинаётган дори-дармонларини олинг. Тиббиётдагина эмас, халқ хўжалиги ва техника соҳасида кенг ишлатилган дистирланган сувни олайлик. Буюк аллома қайнаб турган қозоннинг бўғига пахтани тўйдириб олиб, ана шу сувдан дори-дармонлар тайёрлашда фойдаланган экан. Ғарбда Закарина номи билан юритиладиган машҳур юртдошимиз Муҳаммад Абу Бакир Розий эса ўша даврда маълум бўлган кимёвий моддалар классификациясини тузган, кимё фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган.

Кўзингиз тушган бўлиши керак, савдо тармоқларида сотиладиган, биз рўзғорда истеъмол қиладиган тузга йодланган деган сўзлар ёзиб қўйилган. Унинг тарихи ҳам Тошкент билан боғлиқ. Бундан юз йил аввал Тошкент губернатори қошида лаборатория очиб, илмий тадқиқотлар олиб борган немис олими Теих сув ҳавзалари ва қудуқларни текширгач, шундай хулосага келган: Ўзбекистондаги сув ҳавзаларида йод йўқ экан. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳолида бўқоқ касаллиги кўплаб учрар экан. Шундан кейин истеъмол тузлари йодлаштириладиган бўлди. Бунинг натижасида республикамизда бўқоқ касаллиги кескин камайди.

— Республикамиз олимлари ўз устозларининг ишини муносиб давом эттирмоқдалар, дейишга ҳақлимизми?

— Албатта. Ўзбек кимёвий мактаби мавжуд. Уни бутун жаҳон эътироф этади. Шуни айтиш кифояки, республикамизда беш нафар академик, 9 нафар мухбир-аъзо, 110 нафар фан доктори, 1500 фан номзоди бор. Ўмуман кимё фани соҳасида 5 минг илмий ходим ишлямоқда. 7 та илмий тадқиқот институти, олий ўқув юртларининг факультетларидаги лабораторияларда кимё фанининг энг истиқболли соҳалари бўйича умидбахш изланишлар олиб борилмоқда. Биз олимларимизнинг ўсимликлар моддаси химияси, оқсилли тўқималар, целлюлоза химияси ва унинг ёндошлари, полимерлар синтетикаси, тез қотадиган ва кимёвий жиҳатдан бардошли цементлар, алоҳида тоза моддалар, дори-дармонлар тайёрлаш соҳасидаги муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Академикларимиз С. Юнусов, О. Содиқов, З. Салимов, К. Аҳмедов, Ш. Толипов, Х. Усмонов, И. Цукервенникларнинг номларини бутун дунё танийди.

— Менделеев съездида атоқли кимёгар олимлардан кимлар қатнашиши кутилмоқда?

— Амалда бугунги кунда кимё фанининг энг етакчи соҳаларида фаоллик кўрсатаётган олимлар анжуман иштирокчилари бўлади. Хусусан, мамлакатимизнинг машҳур академиклари Ю. А. Буслаев, В. И. Гольданский, О. М. Нефедов, Н. М. Жаворонков, Н. С. Ениколопов, Г. А. Толстиков, Ю. А. Золотов ва бошқалар Тошкентга ташриф буюришга розилик берганлар. Шунингдек съездда Нобель мукофотининг лауреатларидан бельгиялик И. Р. Пригожин, ғарбий германиялик Эйген, америкалик Хоффманлар ҳам қатнашишлари кутилмоқда.

— Анжуман кун тартибида қандай масалалар турибди?

— Менделеев съездида кимё фанининг бугунги кундаги энг иститқболли соҳалари — конструкцион ва функционал материаллар яратиш, химиявий ва биологик жараёнлардаги янгиликлар, назарий муаммолар, химия ва экология муаммолари, бошқа жуда кўпгина масалалар муҳокама этилади. Ўмуман, кимё фанининг энг муҳим етти йўналиши бўйича буюртма илмий докладлар тингланади. Сўнгра секциялардаги мажлисларда, давра суҳбатларида ушбу докладлар қизғин муҳокама қилинади.

Бугунги кунда анжуманимизни очиш учун ҳамма нарса тайёр. СССР Халқлари дўстлиги саройида иш бошлайдиган съезднинг муваффақиятли ўтиши учун унинг қатнашчиларига қатор қулайликлар яратилган. Жумладан, Италиядан буюртма қилиб олинган, сиртига калькулятор (ҳисоблаш машинаси) ўрнатилган папкага мингдан ортиқ тезиси мавжуд бўлган икки томлик съезд материаллари ва программаси, ўзбек кимё журнали, Тошкент картаси, таклиф қоғозлари, эсдалик совғалар жамланган. Кимёгар олимлар учун қизиқарли маданий программа ҳам тайёрлаб қўйилган. Улар Тошкент областининг тоғли Чимён зонасига, Самарқанд шаҳрига саёҳатга борадилар.

— Менделеев съездида химия ва экология муаммолари ҳам муҳокама қилинади дедингиз...

— Саволингиз тагидаги «нимкоса»ни тушундим. Ҳақиқатан ҳам бизда атроф-муҳитни булғаётган кимёвий корхоналар мавжудлиги, минерал ўғитларни ҳаддан ташқари ишлатиш оқибатида деҳқончилик ва чорвачиликдаги салбий ҳодисалардан кўз юма олмаймиз. Аммо бунинг кимё фани тараққиёти билан мутлақо алоқаси йўқ. 20—25 йилдан бери бутун дунё миқёсида бу фанга қарама-қарши пропаганда юритилади. Кишилар химия деса фақат соғлиққа ва экологияга таъсир қиладиган салбий қарашни тушунадилар. Ваҳоланки химия фани моддани бир шаклдан иккинчи шаклга ўтказишни текширади. Кимки кимёдан зарар кўрган бўлса ундан нотўғри фойдаланганлик учун кўрган. Шунинг учун ҳам бу фанни ноҳақ камситишдан қутқариш зарур. Аслида кимё туфайли ҳосилдорликни оширмасдан ер юзида кўпайиб бораётган аҳолини озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаб бўлмайди. Ёки техникада ўша мустаҳкам, оловга бардошли полимер маҳсулотлар яратмасдан ернинг сунъий йўлдошлари, космоса парвоз ҳам, «Бўрон» каби кўп фойдаланиладиган космик кемалар яратиш ҳам хаёлий бўлиб қоларарди. Бу ноҳақ танқид натижасини олий ўқув юртларига ва аспирантурага эҳтиёжнинг камайганидан ҳам кўриб турибмиз.

Кимё ўз моҳияти билан яратувчан фандир. Яна таъкидлаб айтаманки, у материянинг бир шаклдан иккинчи шаклга, яъни инсон учун фойдали шаклга айланишини ўрганади.

Тошкентда ўтказиладиган анъанавий Менделеев съезди республикада кимё фанини янада жадалроқ ривожлантириш учун яхши туртки бўлади, деган умиддаман. Бу анжуман ҳозирги даврда кимё соҳасидаги энг долзарб масалаларга жавоб бериши, Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатлар олимлари кучғайратларини ер юзида инсон турмушини яхшилаш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилишини истаймиз. Умуман, бу кўҳна, лекин доим навқирон фан ютуқларидан бутун инсоният баҳраманд бўлсин. Анжуманга номи берилган Д. И. Менделеев айтганидек «Илм сочган уруғдан халқ учун ҳосил унсин».

— Редакциямиз коллективи ва кўп сонли газетхонлар номидан съезд ишига, ўзбек кимёгар олимларига янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

— Катта раҳмат.

Суҳбатни А. НОСИРОВА олиб борди.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Республика Олий Совети Президиумида СССР Олий Совети Президиуми номидан топширилган «Ёнғинда жасорат кўрсатганлиги учун» медалини қабул қилиб олган Евгений Ким, Эркибой Манабоев, Эркабой Тоипов, Алишер Тиллахўжаев, Раҳмонберди Хонтоев бундан буён ҳам ўз бурчларини намунали бажаришга тайёрликларини айтдилар:

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!

«Узстальконструкция» трести кран машинистлари Арманистондаги зилзила оқибатларини бартараф этишда мардлик ва фидокорлик кўрсатдилар: Владимир Горбуновга Халқлар дўстлиги ордени, Александр Гридневга Ҳурмат ордени топширилди.

Абдулла Ориповга «Ўзбекистон халқ шоири», Темур Пўлатовга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвонлари берилди.

«Зарафшон» фольклор ансамблининг балетмейстери Виктория Оқилова, «Ўзбекфильм» актёри Жавлон Ҳамроев «Ўзбекистон ССР халқ артисти» унвонига мушарраф бўлдилар. Тошкентдаги театр-рассомлик институти кафедрасининг мудири Абдумўмин Бойматов «Ўзбекистон ССР халқ рассоми» унвонига сазовор бўлди.

Тарих институтининг бўлим мудири Комил Оқилов, Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими Борий Аҳмедов тарих фанини ривожлантириш ва шарқшуносларни ўзбек илмий мактабини яратишга, илмий кадрлар тайёрлашга ҳисса қўшганликлари учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонига мушарраф бўлдилар. Ўзбекистон давлат физкультура институти кафедрасининг мудири Озод Рихсиева, ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг лаборатория мудири Аҳмад Иброҳимов, Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти кафедраси мудири Сарвар Қодиров ҳам ана шу унвонга муносиб кўрилди. Рассомлардан Арнольд Ган ва Георгий Чиганов, ҳайкалтарош Илҳом Жабборов, ёзувчи-драматург Арон Шаламаев хизмат кўрсатган санъат арбоби бўлдилар.

Ўрта Осиё темир йўли касбга йўналтириш ва ишлаб чиқаришга мослаштириш кабинети ишлаб чиқариш таълими мастери Анатолий Давидовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», Тошкент қишлоқ хўжалик институти чет эллик ўқувчилар билан ишлаш декани Раиса Зверевага эса «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» Фахрий унвонлари берилди.

Саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаси, граждан авиацияси, жамоатчилик ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимларининг катта группасига Фахрий унвонлар берилгани ҳақида гуваҳнома, тегишли нишонлар, республика Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов мукофотланганларни самимий қутлади, уларга Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги меҳнатлари ва ижодларида янги муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ).

Тошкент газмоли чет элга

✦ ТОШКЕНТДАН Малайзия ва Сингапурга бир неча юз минг метр хом сурп ва гул солинмаган чит жўнатилади. Бу маҳсулотни «Узтекстильторг» республика базаси чет элга жўнатмоқда. Маҳсулотни олувчи фирмалар бунга жавобан тикувчилик буюмлари, пойабзал, видеомагнитофонлар етказиб беришади. Ана шу камёб молнинг ўттиз процентини Ўзбекистон пойтахтининг чит ва хом сурп тўқиб чиқараётган тўқимачилари олишади.

(ЎзТАГ).

• *Тошкент—Скопье*

КАСАБА СОЮЗЛАРИ МЕҲМОНИ

Югославиянинг Скопье шаҳри касаба союзлари Совети делегацияси Тошкентга келди. Делегацияга шаҳар касаба союзлари Совети президиуми аъзоси, ишчи университети директори Иордан Ангеловски раҳбарлик қилмоқда. Делегация составида шаҳар касаба союзлари Совети Президиуми аъзоси Македония ветеринария хизмати директори, профессор Александр Налетовски бор.

Тошкент область касаба союзлари Советида делегация аъзолари билан дўстона суҳбат бўлди. Область касаба союзлари Совети секретари Д. М. Ғуломова уларга касаба союз ташкилотларида қайта қуриш қандай бораётганлиги ҳақида сўзлаб берди. Меҳмонлар Югославияда касаба союз ишларини такомиллаштириш юзасидан тўпланган тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Касаба союз делегацияси аъзолари Тошкент корхоналарида, область хўжаликларида, халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўладилар, пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар.

Суратда: суҳбат пайти.

«Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» тўғрисида КПСС платформаси лойиҳаси муҳокамада

ВАТАН—ХАЛҚНИНГ АБАДИЙ ХОТИРАСИДИР

Мен баён этаётган нарсалар газета саҳифаси юзини кўришига ишончим комил эмас. Зеро, Сталин ёвузликлари фош этилаётган ҳозирги ошкоралик кунларида ҳам 1921 йилдаёқ пролетар революцияси доҳийси В. И. Ленин имзолаган Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг Декретига мувофиқ таъсис этилган Қрим АССРни қайта тиклаш юзасидан марказий матбуотда бирор ижобий мақола босилмаётир. Шунга қарамай, бу мактубни редакцияга * йўллашга жазм этдим. Бутун бир халқ ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, деярли ярим асрдан бери Ватансиз яшаётгани ҳақида ўйлашнинг ўзи даҳшат...

Сталин 35 йил муқаддам вафот этди. Бу вақт мобайнида барча кўчирилган миллатлар ўзлари туғилиб ўсган ерларга қайтарилдилар. Бу вақт мобайнида 8 та партия съезди бўлиб ўтди, шу жумладан XXVII съезд ҳам. Бугунги кунда Хрушчев ҳақида Сталиннинг бутунлай акси сифатида гапира бошладик. Бу унчалик тўғри эмас. Сталин ва «сталинизм»ни қоралаб, ундан нафратланган Хрушчевнинг ўзи ҳам унинг йўлидан борди. Масалан, чеченлар, қалмиқлар, болқарлар, қорачойликлар, қрим татарлар ва бошқаларнинг кўчирилишини биз Сталиннинг қора ишларидан бири деб биламиз. Хрушчев эса, унинг жиноятларини, шафқатсизлигини қоралаган ҳолда, ўзи ҳам ўйламай-нетмай иш қилди: масалан, қрим татарлар Ватани — Қримни Украина ССРга тортиқ қилди. Бунга унинг на маънавий, на ҳуқуқий ҳақи йўқ эди. Ахир, Ватан тортиқ қилинадиган буюм эмас-ку! Сталин вафотидан сўнг, ленинча миллий принципга амал қилиб, Қрим АССРни қайта тиклаш учун унга ким халқит берди? Ҳеч ким. Бу халқ ўз Ватанига эга бўлмаслиги учун ҳозир ҳам минглаб баҳоналар топилмоқда. Баъзи юқори ташкилотлардаги мўътабар шахслар Қримда бугун игна ташласанг ерга тушмайди-ку, уларни қаерга жойлаштирамиз, деб бош қотирмоқдалар. Ахир, XVII асрдаёқ Қримда 7,5 миллион аҳоли истиқомат қиларди-ку! Ҳозир эса у ерда деярли 2,5 миллион одам яшамоқда. Албатта, масаланинг асл моҳияти бунда эмас... Бу «сталинизм» жиноятини тузатишни истамасликдир. Қолаверса, мазкур халқни кўчириш вақтида, уни қаерга жойлаштириш ҳақида бош қотириб ўтиришмаган-да. Ўшанда қрим татарлар билан пачакилашиб ўтирмай, дуч келган жойга жўнатаверишди, кимни Тайгага, кимни судсиз, тергов-сиз тўғридан-тўғри қаттиқ режимли қамоқ лагерига.

Яқинда газетхонлар «Хотира» («Память») деб номланган жамият аъзоларининг қабиҳ қилмишлари ҳақида ҳикоя қилувчи, «Известия» газетасидаги материални ғазаб билан кутиб олдилар. Бу жамият аъзолари Қримнинг славян аҳолисини қрим татарларга қарши қўювчи варақалар тарқатишмоқда. Бебошвоқ «азаматлар»нинг ушбу миллатчилик хуружи кўпмиллатли мамлакатимиз гражданларига чинакам тарихий хотира ҳақида қайғуриш билан «Хотира» жамияти ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқлигини яна бир бор яққол намойиш этиб берди. Аллақачоноқ ўзини бадном этган бу сўқир жамият мазкур номни ўзининг манфур мақсадларини амалга ошириш учун ниқоб қилиб олган, холос. Ниқоб остида эса қингир ва қабиҳ ишлар қилинмоқда. Агар у ўзини халққа танитаётгандек халқ хотирасини тиклаш ва қайта бунёд этиш иши билан шуғулланаётган бўлганида эди бошқа халқлар, хусусан, сталинча қатағон йилларида ноҳақ айбланиб, бунинг натижасида Ватансиз қолган халқ хотирасини ҳам ҳурмат қилган ва унга ҳайрихоҳлик билдирган бўларди.

Фақатгина халқларнинг эмас, ҳатто қушларнинг ҳам ўз Ватани бор, усиз авлодни давом эттириб бўлмайди. Қрим татарларнинг ҳам сталинча қонли қатағон йиллари ғайриқонуний тарзда тортиб олинган ўз миллий Ватани бор эди. Биз ҳозир ушбу қонунсизликни оммавий қоралаяпмиз, хоинликда ноҳақ айбланиб, кўчирилган халқларнинг айбсиз эканлигини тан олаяпмиз. Қрим татарларни давлат ҳуқуқидан маҳрум этиш кичик халққа нисбатан ўтакетган адолатсизликдир. Бу бугунги кунда биз зўр бериб қоралаётган «сталинизм» зўравонлиги ва қонунбузарлигини давом эттиришдан бошқа нарса эмас.

Иил давомида «...қрим татарлар масаласини адолатли ҳал қилиш, шу билан бирга ушбу регионда яшаётган бошқа халқлар ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказмаслик» каби бир қолипдаги «тайёр сўзлар»дан фойдаланилаётгани ҳам кишига оғир ботади. Буни қандай тушунмоқ керак? Бу сирли сўзлар ортида қандай маъно яширинган?... Агар бу сўзлар қрим татар миллати давлати бўлмиш Қрим АССРни тиклашга қарши айтилаётган бўлса, улар буткул ўз маъносини йўқотади. Чунки, ҳар қандай автоном ёки иттифоқдош республиканинг қайта тикланиши ёки ташкил этилиши ушбу регионда яшаётган маҳаллий миллатга мансуб бўлмаган ҳар қандай бошқа миллат ҳуқуқ ва манфаатларига зид келмаслигини амалиёт кўрсатиб турибди. Зеро, ҳар қандай иттифоқдош ёки автоном республикада туб миллатдан ташқари бошқа миллат вакиллари ҳам яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Бу азалдан ҳаммамизга аён. Бу биринчидан. Иккинчидан, ҳозир Қримда яшаётган миллатларда (масалан, руслар, украинлар ва бошқалар) Қримдан ташқарида ўз миллий давлатлари бор: руслар РСФСР, украинларда УССР ва ҳоказо. Қрим татарларида эса миллат сифатида ўз давлатлари йўқ, ахир улар ҳам Қрим ярим оролининг туб аҳолиси сифатида Конституцияга мувофиқ СССРнинг тўла ҳуқуқли гражданлари-ку.

В. И. Ленин миллий масала бўйича ўз асарларида миллат бунёдга келишининг бешта принципини назарий жиҳатдан ишлаб чиққан ва ривожлантирган эди. Ўз-ўзини сақлаб қолиши ва ҳар томонлама эркин ривожланиши учун — миллатнинг территориал мужассамлиги энг асосий принциплардан биридир. Агар ленинча миллий принциплардан бири бузилса, миллат, охир оқибатда, аста-секин мавжудлигини йўқотади ва оддий аҳолига айланади. Бизга маълумки, қрим татарлари кўчириш пайтида шахмат тартибида жойлаштиришди. Улар миллат сифатида ўз тарихий территориялари мужассамлигидан маҳрум бўлдилар. Бу эса келгусида уларнинг камситилиши хавфини туғдирди!

Ҳозирги кунда Қримда кўпроқ руслар ва украинлар яшаётганига эса қрим татарлар эмас, балки ўша пайтдаги ҳукумат айбдордир. Миллий Ватанга эга бўлмаслик бошпанасиз қолиш ёки космополит бўлиш билан баробар. Бутун бир халқнинг давлатга эга бўлиш юридик ҳуқуқини тикламай туриб, унинг айбсиз эканлиги ҳақида қандай фикр юритиш мумкин?! Бошқача қилиб айтганда, қрим татарларнинг оқланиши — Қрим АССРнинг тикланиши демакдир.

Ғайриқонуний кўчирилган халқ учун Ватан ўрнини миллий масала бўйича баъзи «билимдонлар» бизга исботлаб беришга уринаётганидек, бир қатор маданий эҳтиёжларни қондириш босолмайди. Айниқса, кўпмиллатли давлатимизда ошкоралик ва демократиялаш ҳукмрон бўлган ҳозирги шароитда миллий масалани чалакам-чатти ишлар билан ҳал қилиб бўлмайди. Фақат ҳафтафаҳм кишиларгина буни тушунмаслиги мумкин. Халқ учун Ватан тушунчасидан азизроқ ва муқаддасроқ тушунча йўқ. «Ватан бизга бир марта ва ўлгунимизча берилган» — деб ёзганди «Правда» газетаси, Ватан халқ қалбида яшайди ва унинг тубида ҳеч қачон ўлмайди.

ВАТАН — халқнинг абадий Хотирасидир.

Адҳад СИН-УҒИЛ,
ёзувчи.

Қрим татарларининг анчагинаси яшайдиган Ўзбекистонда Украина Компартияси Қрим область комитетининг ишчи группаси бўлди. Ишчи группа бу халқ вакилларининг ҳаёти ва турмуш шароитларини ўрганди. Бу халқ 1944 йилда гитлерчи босқинчилар билан ҳамкорлик қилишда асоссиз айбланиб, Ўрта Осиё ва Сибирнинг турли районларига кўчириб юборилган эди. РАТАУ мухбирининг илтимосига кўра обком секретари Л. И. Грач сафар таассуротлари, қрим татарларининг муаммоларини ҳал этиш йўллари тўғрисидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Л. И. Грач Қрим область партия комитети ҳузуридаги интернационал тарбия ва миллатлараро алоқа маданиятини ошириш комиссиясининг раиси ҳисобланади.

ИШОНЧ САРИ ҚИЙИН ЙЎЛ

ҚРИМ ТАТАРЛАРИ МУАММОЛАРИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНМОҚДА?

— 1967 йилда,— деди Леонид Иванович,— СССР Олий Совети Президиуми қрим татарларининг конституцион ҳуқуқларини тиклади ва шундан сўнг уларнинг 10 мингга яқини ўшанда сургун қилинган жойларидан отабоболарининг юртига қайтиб келишди. Бироқ кейин бу миграция жараёни секинлаша бошлади. Ҳар хил баҳоналар билан қрим татар миллати вакилларига уй сотиб олиш имконини бермадилар, ишга қабул қилишдан бош тортдилар. 1987 йилда юз берган вазиятни аниқлаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида давлат комиссияси тузилгандан кейин Қрим областининг ижроия комитетлари ҳузурида қрим татарларини прописка қилиш ва ишга жойлаштириш масалалари бўйича махсус органлар тузилган эди. Ҳозир Қримда 46 мингдан ортиқ татар яшамоқда. Кўп оилалар бу ерга, одатда, ўз ҳолича тартибсиз кўчиб келмоқдаки, бу ўз-ўзидан катта қийинчиликларни вужудга келтираётир. Шунинг учун ана шу жараённи тартибга солишнинг тадбирларидан бири сифатида ишнинг аҳволи билан муфассалроқ танишиб келиш учун Ўзбекистонга делегация юборишга қарор қилинган эди. Делегация составига қрим татарлари вакили ҳам киритилди.

Л. И. Грач қардош республикада бўлиш программаси тўғрисида сўзларкан, делегация қрим татарлари ғуж яшайдиган Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа жойларни бориб кўрганлигини таъкидлади. Ўзбекистонликларнинг маълумотларига кўра Ўрта Осиёнинг бу республикасида ҳозир 280—300 минг қрим татарлари бор экан. Биз, деди у, Ўзбекистон партия ва совет ходимлари билан, қрим татларининг уюшган ҳаракати етакчилари билан зиёлилар вакиллари билан суҳбатлашдик, турар-жойларини бориб кўрдик. Бизга катта қизиқиш билан қаравши, ҳамма учрашувларга умуман вақт етишмади. Бу яна бир бор шуни тасдиқладики, биз тўғри қадам қўйдик, муаммони фақат биргалашибгина ҳал этиш лозим.

— Ўзбекистонда бўлганингиздан сўнг қандай хулосаларга келдингиз?

— Аксарият қрим татарларининг бош йўли — қайтиб келишдир. Лекин бу иштакни қандай қилиб, қайси йўл билан амалга ошириш борасида турлича фикрлар бор.

Сафар қачонки ишончсизлик музи охиригача эритиб юборилмас экан, пайдо бўлган муаммони тўлалигича ҳал этиш учун ҳамма резервлар ва ресурслардан фойдаланиш мумкин эмас, деган фикрни янада кучайтирди. Умуман, такрор айтмоқчиман, бизнинг боришимиз бунчалик қизиқиб кутиб олинишини кутмаган эдим. Оддий кишилар вужудга келаётган мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини биргаликда излаш учун кишилар Қримдан атайлаб келганлиги учун миннатдорчилик изҳор қилардилар. Шунинг учун мен бориш керак, учрашиш лозим, ишнинг моҳиятини тушунтириб бериш керак, деб ҳисоблайман. Бу мавзуда нотўғри хабарлар тарқатаётган айрим кишиларнинг шубҳали фаолиятига ўрин қолдирмаслик керак.

— ЎзССРда яшаётган қрим татар аҳолисининг социал шароитлари хусусида нима дейиш мумкин?

— Халқ хўжалигида машғулликка қараб аҳолини уч группага ажратиш мумкин: меҳнаткаш деҳқонлар, саноат ишчилари ва зиёлилар. Айтиш керакки, қрим татарлари дуруст яшайдилар. Айниқса, қишлоқ жойларида. Бу ерда уларнинг ниҳоятда меҳнатсеварлиги, интизомлилигини таъкидлашади. Қрим татарлари орасида жиноятчилик, пиёниталик, гиёҳвандлик ҳоллари камдан-кам учрайди. Ўзбек ўртоқлар қрим татарлари билан ерли аҳоли орасида дўстона ўзаро муносабатлар таркиб топганлигини бир неча бор таъкидладилар. Татарлар-ди. Бир нарсани айтишим мумкин: ана шу масала теварагида кескинликни кучайтириш учун миллатчилик кайфиятидаги айрим шахсларнинг уринишлари халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилмайди. Ахир шуни ҳисобга олиш керакки, ҳозирги пайтда Қримда турли миллат вакиллари бўлган 2,5 миллионга яқин киши ёки урушгача бўлгандагидан икки баравар кўп киши яшамоқда.

Вужудга келган вазиятни ҳисобга олмаслик калтабинлик бўлур эди. Иккинчи томондан, қрим татарлари муаммоларини ҳал этиш учун тегишли иқтисодий базани вужудга келтириш зарур, бу ўз-ўзидан равшанки, дарҳол бўлақолмайди. Бунда ҳеч ким бировни мажбур қилмоқчи эмас, ваҳоланки маҳаллий маъмурларнинг қрим татарларини ишга жойлаш юзасидан ишларини қрим татарларининг айрим вакиллари ана шундай баҳолаётирлар.

Тўғри, яшаб кетиш муҳити билан ҳам ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Ярим орол аҳолиси тасаввурида йиллар давомида қрим татарларга нисбатан нотўғри тушунча ҳосил бўлган. Шунга қарамай мен қримликларнинг асосий кўпчилиги кейнинги бир неча йил ичида бу тасаввурдан қайтди, деб айта оламан. Меҳнаткашларнинг хатлари ҳам шундан далолат бермоқда. Бу хатларда одамлар татарларнинг келишига қарши эмаслар, балки улар қўпол муомала, дарҳол автономия беришни қатъий муаммолари йўқ. Бироқ юқорида таъкидлаганимдек, ҳар бир ижроия комитетда қрим татарларини прописка қилиш ва ишга жойлаштириш комиссияси бор.

Уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш борасида жиддий силжишлар бўлмоқда. Область мактабларида юздан ортиқ факультатив группалар ва қрим татар тилини ўрганадиган 26 та синф ташкил қилинди. Бу синфлар учун муаллимлар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ҳузуридаги курсларда тайёрланмоқда. Лекин ўқитувчилар ҳозирча етишмаяпти. 3 та районда қрим татар тилини катта ёшдаги аҳоли кутубхоналар ҳузуридаги тўгаракларда ўрганмоқдалар. «Крымская правда» область газетаси ҳузурида «Достлукъ» («Дўстлик») ҳафталиги қрим татар тилида чиқаётир, радиоэшиттиришлар олиб борилмоқда, академик рус театри ҳузурида қрим татарлари труппаси ташкил қилинмоқда, бадиий ҳаваскорларнинг 20 та миллий коллективи иш олиб бораяпти.

Ўзбекистонда Қримдаги маданий жараённинг ривожланишини диққат билан кузатиб бормоқдалар. Қрим татарларининг прогрессив кайфиятдаги зиёлилари бу ишлар эртанги куни ўйлаб қилинаётганлиги, қайта қуриш ишига хизмат қилаётганлигини ҳақли равишда таъкидлашмоқдалар. Бироқ, сир эмас, у ерда ҳам, бу ерда ҳам бизнинг ҳар бир тадбиримизни ўзига хос найранг деб, маъмурлар зиддиятлар тугунини давом эттириб бўлмайди. Область партия комитети ҳузуридаги интернационал тарбия ва миллатлараро алоқа маданиятини ошириш комиссияси бундай маблағларни ажратиш тўғрисида республика ҳукумати олдига масала қўйиш таклифини обком бюросига киритди. Бу ишда Ўзбекистон ҳам четда турмайди, деб ўйлайман.

— Сиз ҳамкорлик стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш пайтида ишончни ўрнатишнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдингиз. Бизнингча 1987 йил июнидаги ТАССнинг маълум ахборотн муносабати билан қрим татарларининг айрим қатламлари, хусусан, ёшлар ўртасида вужудга келган кескинлик мавжуд ҳужжатларни эълон қилиш ҳисобига бартараф этилиши мумкин эди.

— Бу йўналишда иш олиб борилмоқда. Биз ўз таҳрир ҳайъатимизни ташкил қилдик. У ҳозир «Кўп миллатли Қрим» тўпламининг биринчи сонини нашрдан чиқарди. Иккинчи сонини тайёрлаш ниҳоясига етказилмоқда. Унда ҳамма нарсалар ўз номи билан аталади. Умумий сафда Совет Ватанини ҳимоя қилган минглаб қрим татарлари — мард жангчилар ҳақида айтамиз. Шу билан бирга немис фашист босқинчилар билан ҳамкорлик қилган жиноятчиларни ҳам, шу жумладан, қрим татар миллатчиларини ҳам айтамиз. Ҳамма шубҳаларга ўрин қолдирмаслик учун уларнинг қонли ёвузликларини айтамиз. Бу ҳаммага шунинг учун керакки, ўтмишнинг кўп нарсаларини кенг омма юзаки билади. Бу ҳақда ҳам ошкора гапириш лозим. Бизнинг комиссиямиз ҳозир миллатлараро муаммолар бўйича область илмий-амалий конференциясини тайёрлаётир. Бу конференцияни қрим татарлари тарихи асосий ўринларидан бирини эгаллайди.

— Ҳадемай миллий сиёсат масалалари КПСС Марказий Комитети Пленумида муҳокама қилинади. Мамлакат Олий Советида қрим татар аҳолисининг муаммолари юзасидан комиссия тузилган. Сиз уларнинг ишидан нималарни кутмоқдасиз?

— Менимча, Пленум мамлакатдаги миллатлараро муносабатларнинг ҳозирги аҳволига сиёсий баҳо беради, кризисли ҳолатлар сабабларини очиб беради ва умумий йўлни ишлаб чиқади. Бу йўл биз, партия ходимлари учун ишда қўлланма бўлади. У ё бу муаммони ҳал этишнинг конкрет йўлларини ҳал этиш эса — СССР Олий Советининг вазифасидир. Менимча, қрим татарлари бўйича комиссия худди ана шу иш билан шуғулланади. Комиссиянинг состави ваколатлидир. Унга Қримнинг икки вакили ҳам кирган. Умид қиламизки, жамоатчилик билан яқин алоқада ўзаро мақбул йўл топилади.

«КРЫМСКАЯ ПРАВДА» газетасидан.

— Бундай нозик ишда шошма-шошарлик ҳақиқатда яхшиликка олиб келмайди. Лекин ҳаркалай, мақсадга тезроқ етиш учун, сизнингча, қандай йўллар бор?

— Айтиш керакки, вазият охиригача ўрганилмаган. Ўйжойдек оғир масалани олиб кўрайлик. Ахир ҳозир бизга кўчиб келганларнинг ҳаммаси (уюшган тарзда ишга олиш йўли билан келганлар бундан истисно) у ерда ўз уйини сотиб, ана шу пулга бу ерда иморат сотиб олиш имкониятига эга эдилар. Қрим татарлари орасида бундай кишилар оз эмас. Ўзбекистон бўйлаб сафаримиз вақтида биз кўчаларда «Уй сотилади» деган ёзувларни тез-тез учратдик. Хўш, давлат секторида ишлаётган ишчилар синфи вакиллари билан қандай бўлади? Улар ахир уй-жойдан ташқари янги ерда ихтисосликлари бўйича иш ҳам олишга интилмоқдалар. Қрим татар зиёлиларининг иши янада мураккаброқ. Чунки улар орасида партия ва совет ходимлари, йирик илмий муассасаларнинг, корхоналар ва ҳатто министрликларнинг раҳбарлари бор. Табиийки, Қримга қайтиб келганда қандай лавозимни эгаллашлари уларни албатта, ташвишлантиради.

Шунинг учун қрим татарлари жамоат органи тузишлари зарурга ўхшайди. Бу орган халқ номидан мулоқот олиб боришга ваколатли бўлиб, областнинг партия ва совет органлари билан ўзаро мақбул вариантларни муҳокама қилган, конкрет таклифлар ишлаб чиққан бўлур эди. Шуниси қувончлики, Ўзбекистонда бундай қадамлар зарурлигини тушунишаётганлигини кузатдик.

Бироқ ҳар қандай программа ҳам моддий ва молиявий таянчга эга бўлмаса, оқибати вой бўлади. Айтайлик, бизнинг Первомай районимизда яна бир неча қрим татар хўжаликлари тузиш мумкин бўлур эди. Лекин ёрдам лозим. Районнинг ўзи бундай оғир ишни уддалай олмайди. Бу анча кескин муаммо бўлиб, область миқёсидаги масаладир. Шуни айтиш кифояки, бизда 150 мингдан ортиқ оила уй-жой шароитини яхшилаш учун навбатда турибди. Бинобарин, анчагина маблағлар кетиш муддатларини шу йўл билан чўзишга уринмоқдалар деб, қабул қилаётганлар бор.

• *Тошкент—Ленинобод* •



«БУЗИЛМАС БИЗНИНГ ДЎСТЛИК»

ЎЗБЕК халқи билан тожикларнинг дўстлиги узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу икки халқнинг урф-одати, санъати ва маданияти бир-бирига уйғунлашиб кетган. Буюк алломалар Абдурахмон Жомий билан Алишер Навоий ўртасидаги дўстлик ришталарини айни кунларда адабиёт ва санъатимиз намояндалари янада чамбарчас боғлашда муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Областимизнинг Бекобод, Оҳангарон, Бўстонлиқ каби қатор районларида ҳамда Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов районида Тожикистон ССР кунига бағишлаб ўтказилган «Бузилмас бизнинг дўстлик» театрлаштирилган кечаси ҳам ана шу икки халқ ўртасидаги оғаинилик муносабатларини бундан буён ҳам мустаҳкамлаб боришга қаратилди.

Тожикистон делегацияси таркибида пойтахтимизга ташриф буюрган Ленинобод области ва шаҳрининг партия ва совет органлари ходимлари, халқ таълими мутахассислари, маданият ва санъат арбоблари тадбирга қадар район партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари, саноат корхоналари ва маданият муассасаларида бўлдилар. Аҳоли турар жой массивларида дўстона мулоқот ўтказдилар.

Кечга яқин эса тадбир қатнашчилари Акмал Икромов номли маданият ва истироҳат боғига тўпландилар. Учрашувда қаҳрамон она Салтанат Содиқова, шоиралар Тожикистон ССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати Озода Аминзода, Фарида Усмонова, шоир Жонибек Қувноқ ва бошқалар тожик ва ўзбек халқларининг узоқ тарихга, ўз анъаналарига эга бўлган биродарлиги, икки халқ ўртасида ўрнатилган дўстлик кўприги янада мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидладилар. Ўзларининг янги шеърларидан намуналар ўқидилар. Байрамда Ўзбекистон концерт бирлашмасининг «Шодлик» ансамбли солистлари Тельман Ҳасанов, Валижон Абдуллаев, Раҳима Носировалар ҳамда «Саодат» фольклор-этнографик ансамбли, Усмон Юсупов номли маданият уйи бадиий ҳаваскорлик коллективлари ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Тожикистонлик биродарларимиз мезбонларни ўз диёрларида меҳмон бўлишга таклиф этишди. Шунга кўра яқинда республикамиз вакиллари Ленинободга йўл оладилар.

А. ҲАКИМОВ,

Суратларда: дўстлик байрамида.

М. НАЗАРОВ суратлари.

МАҲАЛЛАДА УЧРАШУВ

Киров райони Янгиариқ маҳалласидаги оталар чойхонаси одатдагидан гавжум бўлди. Октябрь район саломатлик марказининг бир группа шифокорлари ташриф буюришганини эшитган маҳалла аҳли, айниқса ёш болали оналар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш мақсадида бу ерга тўпланишди. Саломатлик марказининг бош врачи Мақсуда Ғофурова ҳозирги кунда аҳоли, жумладан, болалар ўртасида кўп учраётган касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш чоралари ҳақида сўзлаб берди.

Тажрибали врач ёш оналарга гўдакни тўғри ва соғлом тарбиялаш, уни овқатлантириш нормалари ҳақида ҳам батафсил маслаҳатлар берди. Йиғилганлар 21-поликлиника бўлим мудири Н. Турсунхўжаевнинг ошқозон-ичак касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш қоидалари ҳақидаги маслаҳатларини ҳам диққат билан тингладилар.

Шундан сўнг шифокорлар маҳалла аҳлининг саволига жавоб бердилар. Бундан кейин ҳам маҳаллада тез-тез бўлишиб, савол-жавоб кечалари ўтказиб туришга ваъда қилдилар.

А. НАБИХЎЖАЕВ,

пенсионер.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИ СИЗЛАР УЧУН!

АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ

3 ойлик ва 6 ойлик

ПУЛЛИ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРГА

қабул эълон қилади

Тайёрлов курсига қабул қилинганлар саҳна нутқи ва ҳаракати, клуб сценарийси ва режиссураси, актёрлик маҳорати ва режиссура (масал, ҳикоя, шеър, рақс, қўшиқ, этюд, монолог, драматик асар таҳлили ва театршунослик асослари) СССР тарихи, иншо ёзиш малакасини ошириш машғулотлари бўйича тайёрланади.

Практик машғулотлар катта саҳналарда ва Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувларида қатнашган ҳолда олиб борилади.

Машғулотларни Маданият институтининг ўқитувчилари ва Ўзбекистон телевидениесининг етакчи режиссёрлари олиб борадилар.

Олти ойлик курсни тамомлаганларга имтиҳонлар асосида гувоҳнома берилади.

МАШҒУЛОТЛАР КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРДА 11 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Қабул ҳар куни соат 17 дан 21.00 гача.

Адрес Тошкент шаҳри, Авиасозлар шаҳарчаси, Авиасозлар маданият саройи, 2-қават, 90-хона, метронинг «Чкалов» станциясигача борилади. Телефон—96-55-81.

Ленин комсомоли номли Марказий маданият ва истироҳат боғининг

«ҲУМОР» ЧОЙХОНАСИДА

9 СЕНТЯБРЬ соат 17.00 да

Ўзбекистон ССР меҳнат ва социал таъминот давлат комитетининг

«СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ» ЖУРНАЛИ

ИЖОДИЙ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛАДИ

СУҲБАТДА:

Пенсия ва нафақа борасидаги янгиликлар.

Савол-жавоблар.

Журналнинг режалари ҳақида фикр юритилади.

1990 йил учун журналга обуна қабул қилинади.

Соат 12.00 дан бошлаб хилма хил кўнгил очар ўйинлар, қайиқ станцияси, болалар темир йўли, «СЕРПАНТИН» — эртаклар шаҳарчаси, ёшлар ва музқаймоқ кафелари сизларнинг хизматингизда.

«Тўёна», «Қизил чиннигул», «Умид» ансамбллари ўз программалари билан кайфиятингизни хушнуд қиладилар.

БОҒИМИЗГА МАРҲАБО АЗИЗ ДЎСТЛАР!

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

13, 14 сентябрь соат 17.00 да 19.30 да

КУЛИБ-ТИНГЛАБ, ДАМ ОЛИНГ, ДЎСТЛАР

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қўқон шаҳар асқиячилари: Йўлдошхон НОСИРОВ Муҳаббатхон ТОШПЎЛАТОВА, Жўрахон ПЎЛАТОВ, Ғиёсиддин АБДУРАҲМОНОВ;

Фарғона область Ленин комсомоли мукофоти лауреати ШЕРҚУЗИЕВЛАР ОИЛАВИЙ АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи «ДИЛШОД» АНСАМБЛИ

6-жаҳон фестивалининг лауреати Отажон РАЖАБОВ. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Мўътабар ИЎЛДОШЕВА, Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ

Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати **Ғуломқодир ЭРГАШЕВ,**

Санобархон ШОИКРОМОВА, Абдурауф ЁҚУБОВ, Хотам ҚОСИМОВ, Баҳриддин БЕКМУРОДОВ ва бошқалар.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Ансамбларнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, бастакор Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

Ўзига хос «сири» бўлган тансиқ таомни тайёрлаш учун қандай идишлар керак бўлади? Пловнинг гуручлари дона-дона бўлиб туриши, қовурдоқ хушбўй ва юмшоқ бўлиши, парранда гўшти ширали ва қип-қизил бўлиб пишиши учун уй бекаларига албатта чўяндан ясалиб сирланган, таги қалин, қопқоғи зич ёпиладиган махсус идишлар керак бўлади.

Ана шундай идишлар етарли миқдорда

«Узхозторг» Тошкент областлараро улгуржи базасида мавжуд.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Юқорида айтиб ўтилган ва ҳар бир уй бекасига зарур идишларнинг магазин пештахталарида пайдо бўлиши сизларга боғлиқ.

Базада 1, 1,5, 4,5 литр сиғимли (баҳоси — 4 сўм 20 тийин, 4 сўм 55 тийин, 5 сўм 95 тийин) кастрюлькалар, 3,5 литр сиғимли (баҳоси 6 сўм) чўзиқ қозонлар бор. Уларни Челябинск областидаги Кусинск машинасозлик заводи ишлаб чиқарган.

«Узхозторг» Тошкент областлараро улгуржи базаси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

• СПОРТ • СПОРТ •

• *Академиада-89*

18 дан 50 ёшгача

Илгари хабар қилганимиздек «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг спорт клубида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари Фанлар Академиялари ўртасида «Академиада—89» мусобақалари ўтказилмоқда. Мазкур мусобақалар шуниси билан диққатга сазоворки, унда спорт мастерлари ҳамда мастерликка номзодлар билан бир сафда Фанлар академияларининг олим ва мутахассислари, инженер-техник ходимлари, стажерлар ва оддий ишчилар иштирок этишмоқда. Хусусан республикамиз Фанлар Академияси шарафини «Пахтакор» командасининг собиқ дарвозабони, академия аспиранти, спорт мастери А. Рашидов, кичик теннис устаси, спорт мастери А. Перевозников каби спортчилар билан ёнма-ён академиянинг етакчи олимлари, турли фанлар бўйича фан кандидатлари И. Абдуғаниев, А. Азимов, Р. Усмонов, С. Тишин, Р. Раднюк, Д. Шиндер, И. Аҳмаджонов, Э. Алижонов, Л. Володиналар ҳам ҳимоя қилишмоқда. «Академиада—89» мусобақасининг энг ёш қатнашчиси энергетика институтининг техниги Виктория Винклердир. У шу йили 19 ёшни қаршилади. Ярим асрлик юбилейнин нишонлаган, кичик теннис бўйича спорт мастери А. Перевозников мусобақаларнинг кекса иштирокчиси ҳисобланади. Аммо шунга қарамай теннисчиларимиз А. Перевозниковсиз ўз ўйин ва ғалабаларини тасаввур қилиша олмайдилар. Унинг майдондаги ёшларга хос ҳаракати, эпчиллиги команда аъзоларига доимо куч бахшида этиб келмоқда. Ветераннинг маҳорати туфайли ҳам теннисчиларимиз қирғизистонлик рақиблари устидан осонгина ғалабага эришдилар.

«Академиада—89» зона мусобақалари поёнига етмоқда. Ҳозирги кунда унинг айрим турлари бўйича финалга йўлланма олган командалар аниқланди. Жумладан Илҳом Абдуллаев бошчилигидаги республикамиз академияси баскетболчилари биринчилар қатори келгуси йил Москвада бўладиган финал мусобақаларига йўлланма олдилар. Бу мусобақаларда социалистик мамлакатлар командалари ҳам қатнашадилар.

Мини-футбол бўйича бўлаётган баҳсларда ҳам вакилларимиз яхши иштирок этишяпти. Учинчи тур учрашувида олимларимиз командаси тожикистонликларни 6:3 ҳисобида доғда қолдиришди. Яғона йўлланма эса қозоқ футболчилари билан бўладиган матчда ўз эгасини топади.

Волейболчиларимиз ҳам ўз ишқибозларини хушнуд этишди. Қирғизистон Фанлар академияси вакиллари билан бўлган учрашувда 3:2 ҳисобида ғолиб чиқишди.

ҲУКМ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

• *Суд залидан* •

СССР Олий судининг жиноий ишлар судлов коллегияси раиси, СССР Олий судининг аъзоси С. Савкин, халқ маслаҳатчилари К. Амосов ва Л. Савельевдан иборат составда давлат айбловчиси — СССР прокуратурасининг прокурори В. Левицкий ва ҳимоячи — Москва шаҳар адвокатлар коллегиясининг аъзоси Г. Резник иштирокида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг собиқ раиси Н. Худойбердиевни айблашга оид жиноий ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди. У 9 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

Рашидов даврида республикада порахўрлик кенг ёйилган эди. Худойбердиев ҳам бу борада четда қолмаган эди. У дастлабки терговда ўз хатти-ҳаракатларининг сабабларини тушунтириб бундай деган эди: «республиканинг ҳамма органларида порахўрлик авж олган эди. Порахўрлик системасини Рашидовнинг ўзи ташкил қилганди, шу сабабли мазкур жараёнга ҳеч ким ҳалақит беролмасди. Бемалолроқ яшаш ва ишлаш учун юқори раҳбариятга пора беришга тўғри келар эди».

Н. Худойбердиевнинг ўзи ана шундай «раҳбарият»га мансуб эди. У 1943 йилда Ўзбекистоннинг Самарқанд область Фориш район комсомол комитетида инструктор бўлиб ишлай бошлади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик институтига кириб ўқиди, аспирант бўлди. 1960 йилда Н. Худойбердиев республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари, сўнгра Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари бўлди. 1962 йилда у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилувчи бюроси раиси, сўнгра республика қишлоқ хўжалиги министри бўлди. 1971 йилдан 1984 йилгача Худойбердиев Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси лавозимида ишлади.

У мансаб бўйлаб кўтарилар экан, қайси босқичда жиноят йўлига кирганини айтиш ҳозир қийин. Бироқ порахўрлик системаси узлуксиз ишлайверди ва, пировард натижада, собиқ «бош министр»ни қора курсига олиб келди. Эслатиб ўтайлик: республикада бўлиб ўтган жараёнлар тўғрисида СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси томонидан 1988 йил 30 декабрда ҳукм қилинган Ўзбекистон ички ишлар органларининг раҳбарлари ҳам худди шундай дейишган эди. Ўша иш юзасидан ҳукм қилинганлар орасида СССР Ички ишлар министрининг собиқ биринчи ўринбосари Ю. Чурбанов ҳам бор эди. Худойбердиев, ҳукмда айтилганидек, «мадад ва ҳомийлик олиш мақсадида» Ю. Чурбановга 50 минг сўм пора берган.

Шуни айтиш керакки, суд мажлиси вақтида Худойбердиев мана шунча пора берганини, умуман ўзи ҳам пора олганлиги тўғрисидаги ҳамма фактларни тан олишдан бош тортди. Сирасини айтганда, вужудга келган вазиятда суд қийин ҳолатга тушиб қолди: деярли ҳамма — гувоҳлар ҳам, судланувчи ҳам дастлабки терговда айтган аввалги ўз гапларидан бош тортдилар. Улар терговнинг тазйиқи остида пора олдик ва бердик деб тан олган эдик, деб даъво қилдилар. Фақат Самарқанд район партия комитетининг собиқ биринчи секретари, сўнгра Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган А. Каримовгина Худойбердиевга пул берганига иқрор бўлди.

Ўз маълумотларидан воз кечганларнинг бу баёнотларини суд асоссиз деб топди. Жумладан, шунинг учун ҳамки, улар сўроқларда Т. Гдлян билан В. Ивановгина эмас (гўё улар «зарур» маълумотларни беришга мажбур қилган эмишлар), бошқа терговчиларга ҳам иқрор бўлган эдилар.

«...Гдлян билан Иванов бизнинг маълумотларимизни ўзгартиришни тақиқлаб қўйган эдилар...» деган даъволар ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки кейин ҳам — Гдлян билан Иванов тергов группасига раҳбарлик қилишдан четлаштирилганидан сўнг ҳам жиноий фаолият тан олинган эди. Дастлабки тергов давомида берилган маълумотларни суд ҳақиқатга тўғри келади, деб топди, негаки, «...бу маълумотлар иш материаллари билан ва бошқа далил-исботлар билан объектив равишда тасдиқланади». Чурбановга пора бериш фактига келганда, ҳукмда «...иш юзасидан тўпланган далил-исботларни таҳлил этиб, судлов коллегияси Чурбанов билан Худойбердиев гўё бир-бирларига туҳмат қилганликлари ҳақида берган маълумотларини ҳақиқатга тўғри келмайди, деб ҳисоблайди. Чурбанов масъулиятдан қутулишга интилиб, ўзи берган маълумотларни ўзгартирди», деб қайд этилди.

Сохта гувоҳлик Д. Қурбонов билан М. Нишонова қимматга тушди. Судлов коллегияси шундай ажрим чиқарди: гарчи улар сохта гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилган бўлсалар ҳам, суд мажлисида сохта маълумот бердилар. Шу сабабли мазкур факт юзасидан жиноий иш қўзғатиб, уни дастлабки тергов ўтказиш учун СССР прокуратурасига юборишга қарор қилинди.

Илгари Н. Худойбердиевга қўйилган айблардан баъзи эпизодларни суд чиқариб ташлади. Шу сабабли охирида у 15.700 сўм пора олишда ва 50 минг сўм пора беришда айбланди. Бу хатти-ҳаракат «...масъул лавозимни эгаллаган мансабдор шахс томонидан бир неча бор қилинган жиноят» деб таърифланди. Жазони тайинлаш пайтида судлов коллегияси Худойбердиевнинг оғир жиноят қилганини эътиборга олди.

СССР Олий судининг жиноий ишлар судлов коллегияси Н. Худойбердиевни 9 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди, жазо муддати кучайтирилган режимли аҳлоқ тузатиш — меҳнат колониясида ўтказилади, мол-мулки мусодара қилинади. Худойбердиев хизмат мавқеидан фойдаланиб пора олганлиги сабабли у ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини ижро этиш билан боғлиқ бўлган лавозимларни беш йил мобайнида эгаллаш имкониятидан маҳрум этилди.

Шу ерда нуқта қўйиш мумкин эди. Аммо бир фактга тўхталмай ўтиб бўлмайди. Бутун суд мажлиси давомида залда ТАСС мухбирига ўзларини Гдлян-Иванов тергов группасини ҳимоя қилиш Москва мувофиқлаштирувчи комитетининг вакиллари деб таништирган кишилар ўтиришди. Бу терговчиларнинг хатти-ҳаракатлари тўғри ёки нотўғри эканлигини ҳал қилиш журналистларнинг ҳам, жамоатчиликнинг ҳам иши эмас. Бироқ уларнинг «ҳимоячилари» суд мажлисида ўзларини юмшоқ қилиб айтганда, одобсизларча тутиб жойлардан лўқмалар ташлаб ва бақириб адвокатнинг нутқига ҳалақит берганликларини билиш Т. Гдлян билан В. Ивановга ёқимли бўлармикан?! Бу ҳатти-ҳаракатлар шу қадар хунук эдики, судья уларни залдан чиқариб юборилишидан огоҳлантириб, тартибга чақиришга мажбур бўлди.

Н. ДЕМИДОВ,

ТАСС мухбири.

Москва.

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ МАГАЗИН

АНГРЕН шаҳридаги Аппартак маҳалласи оқсоқоллари илтимосига биноан бу ерда янги магазин фойдаланишга топширилди. «Узбекшахтострой» трестининг 6-қурилиш участкаси ҳамда шаҳар чакана савдо ташкилоти томонидан бунёд этилган бу савдо шахобчасида озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир қаторда саноат молларини ҳам харид қилиш мумкин.

А. ШЕРОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ВАҚТ ҒАНИМАТ, ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Ҳурматли газетхонлар! 1990 йил газета ва журналларга обуна қилиш давом этмоқда. Келаси йил ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ бир йилга — 7 сўм 68 тийин, олти ойга — 3 сўм 84 тийин.

Ҳар тўғрида

ОДАМ ҚОН ГРУППАСИНИНГ ҲОССАСИ

✦ НЬЮ-ЙОРК. Одамлар қони тўрт группага бўлинишн қадимдан маълум. Лекин нима учун у айнн тўртга бўлинишини олимлар ҳозирча тушунтирнб бера олмаяптилар. Америкалик шу соҳа мутахассислари қизиқарли маълумотлар олишаяпти. Чунончи, сайёрамиз турли районлари аҳолисининг қони асосан у ёки бу группага мансуб экانини аниқлашга муваффақ бўлнди. Масалан, Марказий Осиё аҳолисининг қон группаси асосан иккинчи, Перу индеецларнники эса кўпроқ тўртинчи группа.

Қон группаси билан бирор бир касаллик орасида маълум ўзаро алоқа борлиги таъкидланаяпти. Чунончи, қони тўртинчи группа бўлганларда биринчи ёки иккинчи группаликларга нисбатан яра-чақа тошиши кўпроқ учрайди. Бу факт олимларни у ёки бу касалликнинг маълум регионда шу жой шароитига мос келадиган қон группасининг устун бўлишига таъсир қилади, деган фикрга келишларига туртки бўлди. Уларнинг фикрича, масалан, вабо касали энг кўп тарқалган жойда қони тўртинчи группа бўлган кишилар жуда кам бўлиши керак. Қони шу группага мансуб кишилар энг кам бўлган Марказий Осиё айни шундай райондир.

(ТАСС).

Муҳаррир

Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Г.—05978. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. Б.—1680. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12